Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН.

30 май 1971 йил, якшанба ◆ № 122 (14.992). ◆ Баҳоси 2 тийин.

Н. В. ПОДГОРНИЙ МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. В. Подгорний 28 майда Бирлашган Араб Республикасидан Москвага қайтиб келди. Ўртоқ Н. В. Подгорний Бирлашган Араб Республикасининг президенти ва Араб Социалистик иттифоқининг раиси Анвар Садатнинг таклифига биноан дўстона ғайри расмий визит билан Бирлашган Араб Республикасига борган эди. (ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «1971 йил ҳосилини йиғиштириб олиш ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашни таъминлаш чоралари тўғрисида» қарор қабул қилдилар

Ҳосилни қисқа муддатларда ва нобудгарчиликка йўл қўймай ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб йиғиштириб олиш, дон ва бошқа деҳқончилик маҳсулотларини харид қилиш планини тўла ва ошириб бажариш ҳамда уларни ташиб олиш ва асрашни таъминлаш мақсадида КПСС Марказий Комитети билан ССР Иттифоқи Министрлар Совети колхозларни, совхозларни, тайёрлаш ва транспорт ташкилотларини 1971 йил ҳосилини йиғиштириб олишга ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлашга ўз вақтида шай қилиб қўйишни таъминлашни иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларига, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига, «Союзсельхозтехника»га, СССР Тайёрлаш министрлигига, СССР Озиқ-овқат саноати министрлигига, СССР Енгил саноат министрлигига, ўлка, область ва район партия комитетларига, автоном республикалар Министрлар Советларига ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари ижроия комитетларига, маҳаллий қишлоқ хўжалик органларига, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига топширдилар.

СССР Қишлоқ хўжалиги министрлигига, «Союзсельхозтехника»га ва Йўллар министрлигига ғалла экинлари ҳосили ўримини тезлаштириш учун иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари билан келишиб, мавжуд шарт-шароитларга мувофиқ 1971 йил июнь-сентябрь ойларида қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун ажратилган фондларга мувофиқ дон комбайнлари етказиб бериш муддатларини ўзгартиришга, шунингдек, зарур бўлган ҳолларда Қозоғистон ССРга ҳосил ўрими даврида бошқа иттифоқдош республикалардан тажрибали комбайнчиларни юборишга рухсат берилди.

«Союзсельхозтехника»га зарур бўлган ҳолларда СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва иттифоқдош республикалар Министрлар Советлари билан келишиб, «Транссельхозтехника» транспорт корхоналарининг автоколонналарини ҳосил ўрими ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш учун бир иттифоқдош республикадан иккинчисига юборишга рухсат берилди.

Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги ҳамда бошқа министрликлар 1971 йилда ҳосил ўримида ишлатиладиган қишлоқ хўжалик машиналарини муддатидан олдин тайёрлашни ва ажратилган фондлар ҳисобига қишлоқ хўжалигига етказиб беришни таъминлашлари лозим.

Қишлоқ хўжалигига ва сув хўжалигига тракторларнинг, автомобилларнинг, қишлоқ хўжалик машиналари ва экскаваторларнинг запас қисмларини тайёрлайдиган ва етказиб бераднган министрликлар билан идораларга шундай запас қисмларни муддатдан олдин юборишни таъминлаш ва бунда запас қисмларнинг республикаларга, ўлкалар ва областларга бир текис етказиб берилишига алоҳида эътиборни қаратиш топширилди.

1971 йил ҳосилини ўриш учун колхозлар, совхозларга ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик ҳамда ғалла қабул қилиш корхоналарига қўшимча машиналар, асбоб-ускуналар, нефть маҳсулотлари ва материаллар ажратиб берилади.

СССР Нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрлигига 1971 йилда ўримйиғим ишларини ўтказиш учун қўшимча равишда нефть маҳсулоти ишлаб чиқариб, етказиб бериш топширилди.

СССР Госснабига ва иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги, қишлоқ қурилиши, ғалла қабул қилиш ва тайёрлаш ташкилотлари эҳтиёжлари учун металл, қурилиш материаллари, металл буюмлар ва асбоб-ускуналар етказиб беришни таъминлаш топширилди.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари билан Министрлар Советлари ва СССР Тайёрлаш министрлиги ғалла қабул қилиш корхоналарини 1971 йилги дон ҳосилини қабул қилиб олишга тайёрлашни ўз вақтида тугаллашни, шу корхоналарда кўп юк ортиладиган автомобиллар ва автопоездларда келтирилган донни тезроқ тушириб олиш учун зарур бўлган тадбирларни ўтказишни ва ишлаб турган юк туширгич автомобилларини реконструкция қилиш ҳамда янгиларини ўрнатишни таъминлашлари лозим. Ғалла қабул қилиш корхоналарининг технология-химия контроли бўлимлари етарли лаборантлар билан таъминланиб, шу тарика доннинг сифатини ўз вақтида ва тўғри аниқлаш йўлга қўйилсин.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги, СССР Саноат қурилиши министрлиги, СССР Қурилиш министрлиги, СССР Оғир индустрия корхоналари қурилиши министрлиги ва СССР Тайёрлаш министрлиги элеваторларни ва механизациялаштирилган дон омборларини ишга туширишнинг 1971 йил планида кўзда тутилган топшириқларнинг белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлашлари керак.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига шу қарорда белгиланган министрликлар ва идораларнинг автомобилларидан ташқари хамма корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг юк автомобиллари ва бортовой автоприцепларини ҳайдовчилари ва ремонт воситалари билан бирга 1971 йил ҳосилини йиғиштириб олишга жалб қилишга ижозат берилди.

Ҳосилни йиғиштириб олишга жалб этилаётган автомобилларни автомобиль хўжаликларига, совхозларга, колхозларга биркитиб қўйиш тартибини ҳамда ана шу автомобиллардан автоколонналар тузиш тартибини белгилаш, шунингдек, автомобилларни запас қисмлар ва ремонт воситалари билан таъминлаш иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига топширилди.

Дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ташишда юк автомобилларининг кечаю-кундуз ишлашини ташкил этиш зарур деб топилди. Шу мақсада иттифоқдош республикалар ва автоном республикаларнинг Министрлар Советлари, ўлка ва область ижроия комитетлари ҳосилни йиғиштириб олишда банд бўлган ҳамма автомобилларни бир автомобилга икки шофер ҳисобидан ҳайдовчилар состави билан таъминлашлари, зарур бўлиб қолган ҳолларда халқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги шоферларни жалб қилишлари керак.

(Давоми иккинчи бетда).

БУГУН — ХИМИКЛАР КУНИ



РЕСПУБЛИКАмизнинг химия саноати ходимлари ўз байрамларини қувончли ютуқлар билан нишонламоқдалар. Суратларда: Чирчиқ электрохимия комбинатининг пешқадамларини кўриб турибсиз. Юқоридаги суратда ҳаво таҳсимлаш цехининг аппаратчиси Муқаддас Фотиева иш устида. Уртадаги суратда эса метан конверсияси цехининг лаборанти Татьяна Коржова ва смена бошлиғи Маҳаммадали Усмоновлар маҳсулот сифатини кўздан кечиришяпти. Ҳикмат Алматов (пастдаги сурат) шу комбинатда аппаратчи бўлиб ишлайди. У кундалик топшириқларини доимо ортиғи билан адо этиб келмоқда.

И. Глауберзон фотолари.

«МАРС-3» СТАНЦИЯСИ ПАРВОЗДА

Иккинчи совет автомат станцияси Марсга йўл олди

ТАСС АХБОРОТИ

Қуёш системаси планеталарини ўрганиш программасига мувофиқ ва Марс планетасини янада тўлиқ тадқиқ этиш мақсадида 1971 йил 28 май куни Москва вақти билан соат 18 дан 26 минут ўтганида Совет Иттифоқида планеталараро «Марс-3» автомат станцияси учирилди.

«Марс-3» станциясини планета томон учишнинг гелиоцентрик траекториясига чиқариб қўйиш схемаси планеталараро «Марс-2» автомат станциясини чиқариб қўйиш схемасига ўхшаш бўлди.

Планеталараро автомат станциясининг вазни учирувчи ракетанинг охирги босқичидан ташқари — 4650 килограмм.

«Марс-3» станциясига Марс планетасини ва унинг атрофидаги фазони тадқиқ қилишга мўлжалланган илмий асбоблар комплекси, шунингдек қуёш радио нурланишларини тўлқинларнинг метрли диапазонида ўрганадиган аппаратлар ўрнатилган. Бу аппаратларни тинч мақсадларда космик фазони тадқиқ қилиш юзасидан Совет — Франция ҳамкорлиги программасига мувофиқ Франция мутахассислари ишлаб чиқиб, тайёрлаб берганлар. Планеталараро учиш трассасида қуёш плазмаси ва космик нурларнинг характеристикаси ўлчаб кўрилади. Планеталараро муҳит характеристикаларининг «Марс-2» ва «Марс-3» станцияларида айни бир вақтда ўлчаш космик фазода содир бўладиган жараёнлар динамикаси тўғрисида анча тўлиқроқ маълумотлар олиш имконини беради.

Ҳар иккала станция Ер билан Марс бир-бирига нисбатан маълум тарзда жойлашган даврда Марс планетасига учиш траекториясига муваффақиятли равишда чиқариб қўйилди. «Марс-2» станцияси сингари «Марс-3» автомат станциясининг Марс планетасига учиши салкам олти ой давом этади.

«Марс-3» автомат станцияси ҳисоблаб қўйилган траекторияга яқин траектория бўйлаб ҳаракат қилмоқда. 1971 йил 28 май Москва вақти билан соат 22 да «Марс-2» станцияси ердан 2 миллион 495 минг километр ва «Марс-3» станцияси ердан 44 минг километр масофада учиб бораётган эди.

Планеталараро иккала станциянинг учиши олис космик алоқа марказидан бошқарилмоқда. Олинаётган маълумотлар координациялаш ҳисоблаш марказида ва СССР Фанлар академиясининг институтларида ишлаб чиқилмоқда.

ПИЛЛА — ДАВЛАТГА

ТОШКЕНТ ВА БУХОРО ПИЛЛАКОРЛАРИНИНГ РАПОРТИ

Тошкент область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб пилла тайёрлаш йиллик планини 29 майда бажардилар. Тайёрлов пунктларига 1,370 тоннадан ортиқ пилла етказиб берилди. Ҳар қути уруғдан ўрта ҳисобда 59,5 килограммдан пилла олинди.

Бекобод райони областда биринчи бўлиб топшириқни бажарди. Шунингдек Оққўрғон, Калинин, Оржоникидзе, Урта Чирчиқ, Бўка ва Янгийўл районлари ҳам пилла тайёрлаш планларини муддатидан илгари бажардилар. Областнинг кўпгина хўжаликлари пилла топшириш планларини анча ошириб бажардилар.

Давлатга пилла топшириш давом этмоқда. Пойтахт областининг пиллакорлари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга қўшимча равишда яна 60 тонна қимматли ҳом ашё топширишга қарор қилдилар.

* * *

КПСС XXIV съезди қарорларини турмушга тадбиқ этиш учун социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирган Бухоро областининг пиллакорлари давлатга пилла топшириш йиллик планини 29 майда бажардилар. Она-Ватан омборларига 2310 тонна юқори сифатли хом ашё етказиб берилиб, план ошиғи билан адо этилди. Қорақўл, Шофиркон ва Ромитан районлари планни областда биринчи бўлиб адо этдилар. Ғиждувон, Свердлов, Бухоро. Когон, Вобкент ва Конимех районларининг пиллакорлари эришилган ғалабага салмоқли ҳисса қўшдилар. Қизилтепа ва Навоий районларининг хўжаликлари пилла тайёрлаш планини бажариш арафасида турибдилар. Бухоро ва Навоий пилла заводларининг коллективлари яхши ишладилар. Улар социалистик мажбуриятларини ортиғи билан бажардилар. Областнинг кўпгина хўжаликлари пилла етиштириш соҳасида ажойиб муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Область планларини ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб давлатга қўшимча равишда яна 200 тонна пилла топширишга аҳд қилдилар.

ЙИЛЛИК ПЛАН — МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Икки областнинг юксак марраси

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларидан илҳомланган Андижон областининг меҳнаткашлари Тошкент область меҳнаткашларининг қимматли ташаббусини қўллаб-қувватлаб, тўққизинчи беш йиллик биринчи йили топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилдилар ва қуйидаги оширилган социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар:

ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми ва саноат маҳсулотини реализация қилиш йиллик планини 24 декабргача бажарамиз. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг пландан ташқари ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришамиз. Йил охиригача пландан ташқари 10 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарамиз ва реализация қиламиз. Халқ хўжалигига пландан ташқари 4 минг тонна нефть, 5,5 миллион куб метр табиий газ, 2 минг дона электр двигатели, 3480 тонна пахта толаси, 595 тонна линт тайёрлаб берамиз.

Белгиланган топшириқдан ташқари 3 миллион сўмликдан зиёд халқ истеъмоли товарлари, шу жумладан, 550 минг сўмлик кийим-кечак, 680 тонна тозаланган мой, 3 минг тонна ун, 125 минг сўмлик мебель, 50 минг дона ички трикотаж ишлаб чиқарамиз. Областдаги машинасозлик корхоналарида маданий-маиший буюмлар ишлаб чиқариш ҳажмини 1970 йилдагига нисбатан 24 процент кўпайтирамиз.

Тежамкорликни кучайтириш йўли билан камида 700 тонна қора ва рангли металлни, 4 миллион киловатт-соатдан ортиқ электр энергиясини, 1000 тонна шартли ёқилғини, 1485 тонна пахтани ва жами икки миллион сўмликдан ортиқ бошқа материалларни тежаймиз.

Товар маҳсулот таннархини камайтириш йўли билан 3 миллион сўмни тежаймиз ва пландан ташқари 1,9 миллион сўм фойда оламиз.

Маҳсулотнинг 70 дан ортиқ янги хилларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирамиз.

Қурилишда меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз ошириш, ишлаб чиқаришни бошқаришни такомиллаштириш, иқтисодий ишларни яхши йўлга қўйиш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш асосида пудрат ишлари планини 26 декабрда тугаллаймиз ва пландан ташқари камида 2 миллион сўмлик ишни бажарамиз. 1971 йилда уй-жойларни фойдаланиш учун топшириш планини 20 декабргача ва мактаб бинолари қурилиши планини 25 декабргача бажарамиз. Мактаб биноларини қуриш тўққиз ойлик планини ўқув йили бошланишигача бажарамиз.

Барча қурилиш ташкилотларида қурилиш ишларини планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтиш соҳасидаги тайёргарлик ишларини яхши йўлга қўямиз.

Ердан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш агротехникани яхшилаш, фан ютуқлари ва илғор тажрибани жорий қилиш, минерал ва маҳаллий ўғитлардан тўғри фойдаланиш йўли билан ердан олинадиган маҳсулотни кўпайтириб, 500 минг тонна пахта, 5 минг тонна дон, 53 минг тонна сабзавот, 9,5 минг тонна полиз экинлари маҳсулотлари, 6 минг тонна мева ва 6,6 минг тонна узум етиштириб, давлатга топширамиз.

Пландан ташқари 35 минг тонна ғалаф хашак ва 60 минг тонна тўйимли хашак тайёрлаймиз. Ҳар бир соғин сигирдан ўтган йилдагига нисбатан 30 процент кўп сут соғиб оламиз. Давлатга 8,8 минг тонна гўшт, 30 минг тонна сут ва 12 миллион дона тухум сотамиз.

Секундига 10 куб метр сув чиқарадиган Тошкилик насос станцияси биринчи навбати қурилишини битказамиз. Бу эса сувга танқис ерларни сув билан таъминлаш имконини беради.

Темир йўл ва автомобиль транспортида юк ташиш йиллик планининг муддатидан илгари 24 декабргача бажарилишини таъминлаймиз ва белгиланган пландан ташқари 190 минг тонна халқ хўжалик юкларини ташиб оламиз, пассажирларга хизмат кўрсатиш маданиятини оширамиз.

Алоқа воситалари барча турларининг ишини анча яхши йўлга қўямиз, автомат телефон станциясининг 4800 номерга хизмат кўрсатишини таъминлаймиз.

Аҳолига савдо-сотиқ ва маиший хизматни анча яхши йўлга қўямиз. Товар оборотни ва аҳолига маиший хизмат планларини муддатидан илгари бажарамиз. Пландан ташқари 8 миллион сўмликдан ортиқ товар сотилишини, маиший хизмат корхоналарининг қўшимча равишда 300 минг сўмлик хизмат кўрсатишини таъминлаймиз. 135 ўринли янги магазинлар, 1705 ўринли ошхона, ресторан ва кафе очамиз. 190 га яқин янги устахона ва қабул пунктларини, шу жумладан, қишлоқ жойларда 145 устахона ва қабул пунктларини ташкил этамиз.

Социалистик мажбуриятлар корхона, колхоз, совхоз, қурилиш ташкилотлари, транспорт ва маиший хизмат корхоналарининг умумий йиғилишларида муҳокама этилиб, қабул қилинган.

ФАРҒОНА ОБЛАСТЬ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИ

Фарғона областининг меҳнаткашлари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини қизғин маъқуллаб қутиб олдилар. Саноат ходимлари беш йилликнинг биринчи йили беш ойлик топшириқларини муддатидан илгари бажардилар. Пландан ташқари 21 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот реализация қилинди. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари гўшт, сут, тухум сотиш беш ойлик планини ошириб бажардилар.

Область меҳнаткашлари москваликлар билан тошкентликларнинг ташаббусини қўллаб-қувватлаб, КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини бажариш учун муносиб ҳисса қўшишга интилиб, илгари олинган мажбуриятларни қайтадан кўриб чиқдилар ва оширилган янги социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар:

Саноатда, транспорт, алоқа, шаҳар хўжалигида беш йиллик биринчи йили халқ хўжалик планини 1971 йил 24 декабргача бажарамиз. Ватанга пландан ташқари 30 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан 6 минг тонна пахта толаси, 5 минг тонна цемент, 3 миллион дона ғишт, 3 минг тонна нефть, 2 минг тонна гипс, 6 минг куб метр темир-бетон конструкциялар тайёрлаб берамиз.

Планга қўшимча равишда 1,5 минг тонна тозаланган мой, 700 минг метр шойи газлама, 300 минг метр ип газлама, 400 минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқарамиз.

Саноат маҳсулотининг бутун ўсишига меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эришишни таъминлаймиз.

Янги маҳсулотнинг 275 турини ишлаб чиқаришни ўзлаштирамиз. 1020 та янги машина-ускуна, 25 поток линия ўрнатамиз.

Ишлаб чиқариш резервларидан фойдаланишни яхшилаш ва тежамкорликни кучайтириш йўли билан 2 миллион сўмни тежаймиз. 32 миллион киловатт-соат электр энергиясини, 3 минг тонна шартли ёқилғини, 700 тонна қора ва рангли металлни, 300 минг квадрат дециметр чармни ва бошқа материалларни тежаймиз. Тайёр маҳсулотнинг таннархини 2 миллион 50 минг сўм камайтирамиз.

Қурилишда йиллик планни 25 декабргача бажарамиз. Меҳнат унумдорлигини 1970 йилдагига нисбатан 7 процент оширамиз. Фарғонадаги азотли ўғитлар заводида, химия толаси заводида янги қувватларни, Марғилон шойи комбинатида пилла омборини ва бошқа объектларни муддатидан илгари фойдаланиш учун топширамиз. Уй-жойларни фойдаланиш учун топшириш йиллик планини 25 декабрда ва мактаб биноларини қуриш планини 1 сентябргача бажарамиз.

Ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш ва комплекс механизациялаш, химиялаштириш ва мелиорация ишларини янада ривожлантириш асосида 500 минг тонна пахта, 25 минг тонна дон, 52,5 минг тонна сабзавот, 18 минг тонна картошка, 16,4 минг тонна ҳўл мева, 9,2 минг тонна узум, 27,5 минг тонна полиз экинлари маҳсулотлари етиштириб, давлатга сотамиз. Ғалаф хашак, силос, сенаж бостириш ва витаминли беда уни тайёрлаш планнинг ошириб бажарилишини таъминлаймиз. Ҳар бир сигирдан 1320 килограмм сут соғиб оламиз. Давлатга пландан ташқари 900 тонна гўшт, 3800 тонна сут, 11 миллион дона тухум сотамиз. Давлатга камида 4500 тонна пилла топширамиз.

5000 гектар янги ерни ўзлаштириб, ишга соламиз, 29,4 минг гектар майдоннинг мелиорация ҳолатини яхшилаймиз. 300 гектар майдонда кенг қаторли ўрмон полосасини ва 3900 гектар майдонда икки қаторли ўрмон полосаларини вужудга келтирамиз.

Автомобиль транспорти ва темир йўл транспортида пландан ташқари 1 миллион тонна халқ хўжалик юкларининг ташиб олинишини таъминлаймиз. Телефон шоҳобчалари ва радиолаштиришни ривожлантириш планини 20 декабргача бажарамиз. 3 минг номерли автомат телефон станциясини муддатидан илгари ишга туширамиз, 9 та янги алоқа бўлимини очамиз.

Маиший хизмат корхоналари ва савдо ташкилотларининг аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини қунт билан юксак даражага кўтарамиз. Чакана товар оборотни ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш планини муддатидан илгари бажарамиз.

Социалистик мажбуриятлар Фарғона областидаги саноат, қишлоқ хўжалигиқурилиш корхоналари ва ташкилотлари, транспорт, алоқа ва қишлоқ хўжалигининг тармоқларидаги ишлаб чиқаришларида муҳокама этилиб, қабул қилинди.

ПРАГАДА СОВЕТ ФАНИ ВА МАДАНИЯТИ УЙИ ОЧИЛДИ

ПРАГА, 28 май. (ТАСС махсус мухбири). Бугун Чехословакия пойтахтининг марказида совет фани ва маданияти уйи очилди. Совет фани ва маданияти уйи Чехословакия Коммунистик партиясининг XIV съезди ишини давом эттираётган, Чехословакия Коммунистик партиясининг 50 йиллиги нишонланаётган кунларда меҳмонларни қабул қилинди. Совет фани ва маданияти уйининг очилиши Совет Иттифоқи билан Чехословакия ўртасида доим муваффақиятланиб, ривожланиб бораётган ва ҳамкорликнинг ёрқин СССР билан Чехословакия Социалистик Республикаси ўртасида ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам йўлида бундан бир йил муқаддам қабул қилинган янги Шартнома имзоланган янги Шартнома амалга оширилаётганлигини кўрсатиб турган воқеалларнинг биридир.

Совет фани ва маданияти уйининг очилиши ҳаёсидан мамлакат гражданларини совет халқининг коммунизм қурилишида эришаётган муваффақиятлари билан, совет фани, техникаси, адабиёти, санъатининг ютуқлари билан, совет халқининг ҳаёти ва меҳнати билан кенг ва батафсил таништиришдир.

Бугун совет фани ва маданияти уйининг байрамдагидек безатилган биноси олдида минг-минглаб прагаликлар тўпланишди. Улар гуллар билан бирга чехословак ҳамда совет байроқларини кўтариб олганлар.

Совет фани ва маданияти уйининг тантанали очилиш маросимида қатнашиш учун Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Г. Гусак, Чехословакия Социалистик Республикаси президенти Л. Свобода, Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг раиси Л. Штроугал, ЧКП Марказий Комитети Президиумининг аъзолари ва президиум аъзолигига кандидатлар, ЧКП Марказий Комитетининг секретарлари, Чехословакиянинг бошқа партия, давлат ва жамоат арбоблари бу ерга келишди.

Тантанали маросимда Чехословакия Коммунистик партиясининг XIV съездида қатнашаётган КПСС делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, делегация аъзолари — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. Е. Шелест, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, КПСС Свердловск область комитетининг биринчи секретари Я. П. Рябов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг Чехословакия Социалистик Республикасидаги элчиси С. В. Червоненко қатнашдилар.

Шу ерда ҳозир бўлган кишилар Чехословакия раҳбарларини ва Совет Иттифоқидан келган меҳмонларни гулдурос, давомли қарсаклар билан, «Ура!», «Яшасин Совет Иттифоқи!», «Яшасин Чехословак — Совет дўстлиги!» сўзлари билан табриклайдилар.

Чехословакия Социалистик Республикаси ва СССР давлат гимнлари ижро этилади.

Совет фани ва маданияти уйининг очилишига бағишланган митингда Прага шаҳрининг бошлиғи З. Зуска нутқ сўзлади. У прагаликлар номидан Чехословакия раҳбарларини ва КПСС делегациясини самимий табриклади. З. Зуска Прагада совет фани ва маданияти уйини очишга қарор берганликлари учун КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматига ташаккур айтди, совет фани ва маданияти уйи чехословак — совет дўстлигини мустаҳкамлаш ва кучайтиришда шубҳасиз катта роль ўйнайди, деб таъкидлади.

Шундан кейин чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқа совет жамиятлари союзи президиуми раисининг ўринбосари Н. А. Панков сўзга чиқди. У Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетига, Чехословакия ҳукуматига, ЧКПнинг Прага шаҳар комитетига, Прага миллий комитетига ҳамда совет фани ва маданияти уйини ташкил этишда қатнашган кишиларнинг ҳаммасига самимий миннатдорчилик изҳор қилди. Чехословакия раҳбарлари ва КПСС делегациясини ишонтириб, совет фани ва маданияти уйи коллективи Совет Иттифоқи билан Чехословакия ўртасидаги қардошларча дўстликни мустаҳкамлашга актив ёрдам беради, деди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев шу ерда ҳозир бўлган кишиларга самимий табрик сўзлари билан мурожаат қилди. Ўртоқ Л. И. Брежнев Чехословакия меҳнаткашларига совет халқи номидан қизғин, қардошларча салом топширди ва совет халқининг яхши истакларини изҳор қилди. КПСС делегациясининг бошлиғи Прагада КПСС делегациясини самимий кутиб олганликлари учун Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетига, ўртоқ Г. Гусакка чин кўнгилдан ташаккур айтди. Ўртоқ Л. И. Брежнев шу ерда ҳозир бўлган кишиларнинг, бутун чехословак халқининг меҳнатда, янги беш йиллик планни бажаришда катта муваффақиятларга эришувларини, бахтли ҳаёт кечиришларини тилади.

Прагаликлар КПСС делегацияси бошлиғининг самимий сўзларини гулдурос, давомли қарсаклар билан кутиб олдилар. Улар: «Раҳмат!», «Ура!», «Дўстлик!», «Яшасин ўртоқ Брежнев», «Яшасин ўртоқ Гусак!», «Яшасин ўртоқ Свобода!», «Совет Иттифоқи билан абадий биргамиз!» деб хитоб қиладилар.

Совет фани ва маданияти уйи очиқ деб эълон қилинади.

Пионерлар Чехословакия раҳбарларига ва КПСС делегациясининг аъзоларига гулдасталар тақдим этадилар.

Ҳурматли меҳмонлар совет фани ва маданияти уйига таклиф қилинади. Чехословакия раҳбарлари ва Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар мажлислар зали ва кутубхонани, учрашув ва суҳбатлар ўтказиладиган хоналарни, шу уйда очилган «Березка» ресторанини кўздан кечирдилар.

Ҳурматли меҳмонлар дафтарида биринчи таассурот сўзлари пайдо бўлди:

«Чехословак — Совет дўстлигининг муҳим маркази бўлган Прагадаги совет фани ва маданияти уйига катта муваффақиятлар тилаймиз.

Г. ГУСАК, Л. СВОБОДА, Л. ШТРОУГАЛ».

«Прагада совет фани ва маданияти уйининг очилиши доим кенгайиб, кучайиб бораётган совет — чехословак ҳамкорлигининг ёрқин ва конкрет кўринишларидан биридир.

Совет фани ва маданияти уйи совет ва чехословак олимларининг, маданият арбобларининг ва санъат арбобларининг, Чехословакия Социалистик Республикаси ва СССР меҳнаткашлари барча табақаларининг вакилларининг амалий, иқтисодий алоқа жойи бўлиб қолади ва бу алоқалар халқларимизни ўзаро маънавий бойитишга, социалистик фан ва маданият ютуқларини муваффақиятли суратда турмушга татбиқ этишга ёрдам беради, деб ишонамиз.

Прагадаги совет фани ва маданияти уйи коллективининг чехословак дўстларимиз билан аҳил бўлиб самарали ишлашини ва унинг совет ҳамда чехословак халқлари ўртасидаги қардошларча дўстликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида муҳим ва фойдали фаолиятида катта муваффақиятларга эришувини тилаймиз.

ЧКП XIV СЪЕЗДИДА ҚАТНАШУВЧИ КПСС ДЕЛЕГАЦИЯСИ».

* * *

Чехословакия Компартиясининг XIV съездида қатнашаётган КПСС делегациясининг бошлиғи ўртоқ Л. И. Брежнев бугун Прага градида очилган «СССР бадиий фотосуратларда» виставкасини бориб кўрди. Ўртоқ Л. И. Брежнев совет фото санъати усталарининг виставкага қўйилган энг яхши фотосуратлари билан қизиқиб танишди. Бу фотосуратлар совет халқи ҳаётининг турли томонларини акс эттиради.

Виставкани томоша қилган чехословаклар ўртоқ Л. И. Брежневни самимий табрикладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

(Бошқа биринчи бетда).

Дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, шунингдек силос массасини ташишга командировка қилинган шоферлар, ремонт ишчилари, механиклар, автоколонналарнинг бошлиқлари ва автомобиль хўжаликларининг диспетчерлари бутун командировка даврида асосий иш жойидаги ўртача иш ҳақининг 75 процентини, лекин маошларнинг тариф ставкасидан кам бўлмаган ҳақни олиб турадилар. Бу ҳақни шу ходимларнинг асосий иш жойидаги корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар ўз маблағлари ҳисобидан тўлайдилар. Шу муносабат билан командировка қилинган ходимларга суточний квартира ҳақи тўланмайди.

Дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 1971 йилги ҳосилини ташишда ишлайдиган кўп юк ортиладиган автомобиллар ва прицепли автомобилларда (автопоездларда) ишловчи шоферлар учун тариф ставкасининг 25 процентигадорида қўшимча мукофот тайинланди. Мукофот иш вақтининг белгиланган муддати давомида смена топширигини бажарган тақдирда ҳар бир сменадаги иш натижаларига қараб белгиланади. Дон ва дуккакли дон экинлари ҳосилини, кўп йиллик ўтлар уруғини, узун толали зиғир поясини ва силосбоп экинларни йиғиштириб олишда ишлайдиган машинист тракторчилар, комбайнчилар ва комбайн агрегатларининг бошқа ходимлари хўжаликда белгиланган мавсум нормасини яхши сифатли қилиб ва нобудгарчиликсиз бажарсалар, улар учун моддий рағбатлантириш тадбирлари белгиланди.

Совхозларнинг ва бошқа давлат қишлоқ хўжалик корхоналарининг директорларига 1971 йилда совхозларнинг доимий ишчиларига, шунингдек шу экинлар ҳосилини йиғиштириб олиш учун жалб этиладиган ишчиларга 1971 йилда картошка, сабзавот, мева, узум ва ер мева ҳосилининг 10 процентгача бўлган қисмини пландаги таннарх билан, лекин чакана баҳодан ошириб юбормай сотишга ижозат берилди.

Колхозларга совхоз ходимлари ва давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ходимлари учун ушбу қарорда белгиланган рағбатлантириш чораларини кўриш тавсия этилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1971 йилда хўжаликларнинг раҳбарлари билан келишиб, қишлоқ хўжалик ишларини бажариш ва ғалла қабул қилиб оладиган корхоналарда ишлаш учун истисно тариқасида шаҳарларнинг меҳнатга лаёқатли аҳолисини, посёлкалар ва қишлоқдаги аҳоли яшайдиган пунктларнинг ишчиларини республикалар, ўлкалар ва областларнинг ички ресурслари ҳисобига жалб этиш ҳуқуқи берилди.

Ушбу қарорга мувофиқ, қишлоқ хўжалик ишларига ва ғалла қабул қилиб оладиган корхоналардаги ишларга жалб этиладиган ишчилар ҳамда хизматчиларнинг асосий иш жойида оладиган ўртача ойлик иш ҳақининг 50 проценти сақланади. Ана шу маблағларни ишчи ва хизматчиларнинг асосий иш жойидаги корхоналар ва ташкилотлар, ўз маблағлари ҳисобидан тўлайдилар. Шу муносабат билан қишлоқ хўжалик ишларига ва ғалла қабул қилиб оладиган корхоналардаги ишларга жалб этиладиган ишчилар ҳамда хизматчиларга суточний ва квартира ҳақи тўланмайди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига қишлоқ хўжалик ишларини ва ғалла қабул қилиб оладиган корхоналардаги ишларни бажаришга жалб этиладиган кишиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва иш жойига бориш харажатларини тўлаш тартибини белгилаш топширилди.

РСФСР Министрлар Совети ва Қозоғистон ССР Министрлар Советининг РСФСР ҳамда Қозоғистон ССРдаги қўриқ ер районларига ишлаш учун жўнаб кетадиган комбайнчилар, комбайнчи-механиклар, тракторчилар ва лафет жаткаларининг машинистларига вақтинча иш жойига бориш ва қайтиб келиш харажатларини тўлашлари ва йўлда бўлган вақт учун ҳамда совхоз ёки колхозга келгандан кейин дастлабки уч кун учун ўртача иш ҳақи тўлашларига рухсат берилди (ўртача иш ҳақи асосий иш жойида кейинги уч ой ичида олинган иш ҳақи суммасига қараб белгилансин). Совхозларда юқорида айтиб ўтилган механизаторларнинг меҳнат ҳақи қўриқ ерлардаги совхозларда амалда бўлган норма ва расценкага қараб тўлансин.

Комбайнчилар, комбайнчи-механиклар, тракторчилар ва лафет жаткалари машинистларининг асосий иш жойида олиб турган ўртача иш ҳақининг 75 проценти сақланади. Корхоналар ва ташкилотлар механизаторларнинг асосий иш жойларига қараб ўз маблағлари ҳисобига ана шу суммани тўлайдилар ва бу сумма иш ҳақи фондига киритилмайди. Шу муносабат билан командировка қилинадиган механизаторларга суточний ва квартира ҳақи тўланмайди.

1971 йилда бошқа районлардаги колхозлардан ҳосил ўримйиғими учун РСФСР ва Қозоғистон ССРдаги қўриқ ер районларига командировка қилинган комбайнчилар, комбайнчи-механиклар, тракторчилар, лафет жаткалари машинистлари ва шоферларга пул тўловлари ўзлари командировка қилинган хўжаликлар томонидан суточний ва квартира ҳақи эвазига белгиланди. Шу муносабат билан ана шу колхозчиларнинг асосий иш жойида оладиган ўртача иш ҳақи сақлаб қолинмайди.

Колхозларга командировка қилинган механизаторларнинг меҳнат ҳақини совхозларда амалда бўлган норма ва расценкаларга мувофиқ тўлаш тавсия этилди.

Бу йил 2 сменада (1 автомобил учун 2 ҳайдовчи) дон ва қанд лавлаги ташувчи шоферларни автомобилларнинг бир кечаю-кундузда камида 20 соат узлуксиз ишлашини таъминлаганлиги учун тариф ставкасининг 20 проценти миқдорида қўшимча равишда мукофотлашга, Сибирь, Урал, Қуйи ва Ўрта Волга районларида ҳамда Қозоғистон ССРнинг қўриқ районларида дон ташувчи шоферларни тариф ставкасининг 40 проценти миқдорида мукофотлашга рухсат берилди. Мукофотлар суткалик иш натижаларига қараб тўлансин. Бунда суткалик топшириқларини бажариш ва шундан кейинги кунларда ишлаш учун автомобилни соз ҳолда топшириш шарт.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига 1971 йилда колхоз ва совхозларда иш ғоят кизиб кетган даврда саноат, транспорт корхоналари ва бошқа корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг тракторлари ва автобензовозларини ҳайдовчилари билан, шунингдек, машинистгракторчилар ва бошқа механизаторларни ҳамда шоферларни жалб этиш учун рухсат берилди. Бунда улар томонидан белгиланган план топшириқларининг бажарилишига зарар етказилмаслиги шарт.

Совхозларнинг ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг директорларига 1971 йилда пичан, сомон йиғиштириб олиш ва силос тайёрлашда банд бўлган ходимларга қўшимча ҳақ сифатида тайёрланган дағал хашак ва силоснинг муайян бир қисмини бепул беришлари ва совхозлар ҳамда давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарининг уй-рўзғорида шахсий чорва моллари бўлган доимий ходимларига планда кўрсатилган таннархи бўйича дағал хашак ва силоснинг муайян бир қисмини сотишлари учун рухсат берилди.

Колхозларга ушбу қарорда совхозларнинг ва давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ходимлари учун белгиланган рағбатлантириш чораларини қўлланиш тавсия этилди.

СССР Давлат банки 1971 йил 1 ноябргача истисно тариқасида айрим колхозларга, ҳамма системадаги совхозларга, наслчилик ва от заводларига, паррандачилик фабрикаларига, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги ва «Союзсельхозтехника»нинг тажриба ва таълим хўжаликларига, ғалла қабул қилиб олувчи корхоналарга, район ва районлараро бирлашмалар (бўлимлар)га, магазинларга ва молиявий жиҳатдан қийинчилик кўраётган «Сельхозтехника» базаларига, уларнинг илтимосига кўра, запас қисмлар, ремонт материаллари, нефть маҳсулотлари ҳақини тўлаш, машина-трактор парки ва юк автомобилларини ремонт қилиш ва уларга техникавий хизмат кўрсатиш ишлари учун қисқа муддатли кредит бериши, айрим колхозларга ва шунингдек тўла хўжалик ҳисобига ўтган давлат қишлоқ хўжалик корхоналарига ўрим-йиғим техникасининг ҳақини тўлаш учун, СССР Давлат банки ссудаларни бўйича тўлаш муддати ўтиб кетган қарзлар бўлишига қарамай, узоқ муддатли кредит бериши лозим.

Дон қабул қилиб олиш муддатларини қисқартириш мақсадида РСФСР Министрлар Советига ва Қозоғистон ССР Министрлар Советига қўриқ ер районларидаги ғалла қабул қилувчи пунктларда дон ортиш ва бўшатиш билан банд бўлган ишчиларнинг меҳнатига ғалла олина бошланган пайтдан 1971 йил 1 декабргача 50 процент оширилган расценкалар билан ҳақ тўлаш ҳуқуқи берилди. Бунда улар кундалик иш нормаларини бажарган бўлишлари шарт.

Темир йўл министрлиги, РСФСР Дарё флоти министрлиги ва Денгиз флоти министрлиги машина, ускуналар, запас қисмлар, автомобиль шиналари, металл прокат, ёғоч-тахта ва бинокорлик материаллари, нефть маҳсулотлари, қурилиш конструкциялари, норуда материаллар ва бошқа материаллар ортиш учун вагонлар, кемалар ва контейнерларни биринчи навбатда (план бўйича) ажратиб беришни таъминлашлари ҳамда қишлоқ ва сув хўжалигига, ғалла қабул қилиб олувчи корхоналарга, суғориш ва ернинг захини қочириш системалари қурилишига юборилиган юклар ортилган кемалар ва маршрутларнинг темир йўл ва сув йўлларидан жўнатилиши устидан (элеваторлар, омухта ем корхоналари, тегирмонлар ва 1971 йилда дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларни тайёрлаш ҳамда сақлашни таъминлаш билан боғлиқ бўлган объектлар устидан) контроль ўрнатишлари лозим.

Пландан ташқари ташиш заруратига туғилган тақдирда министрликлар ва идоралар билан келишиб мазкур юкларни ортиш учун вагон, кема ва контейнерлар ажратиб бериш таъминлансин.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва республикаларнинг тегишли қасаба союз советлари билан келишиб, 1971 йилда дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини йиғиштириб олиш ҳамда ташиш даврида қишлоқ районлари учун ёки районлар группаси учун, шунингдек, областлар, ўлкалар ва автоном республикалар учун кўчма Қизил байроқлар таъсис этиш ва пул мукофотлари белгилаш топширилди. Кўчма Қизил байроқлар ва пул мукофотлари ҳар 10 кундаги иш натижаларига қараб автоколонналарга ҳамда транспортнинг бошқа бўлинмаларига берилади. Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига «1971 йил ҳосилидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини автомобилда ташиш аҳлочиси» фахрий унвонини жорий этиш ва область ижроия комитети, ўлка ижроия комитети, республика Министрлар Советининг ёрлиқларини топшириш тавсия этилди.

Иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советлари, СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, СССР Тайёрлаш министрлиги ва «Союзсельхозтехника» 1971 йил ҳосилини йиғиштириб олиш учун ажратиб берилган моддий ресурсларни қаттиқ тежашни таъминлашлари лозим.

Иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларига, ўлка, область, район партия комитетларига ва саноат корхоналарининг партия ташкилотларига 1971 йилда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга тайёргарлик ва бу ишларни уюштиришда саноат корхоналарининг оталиққа олиш тартибида колхоз ва совхозларга, ғалла қабул қилиб олувчи ва донни қайта ишловчи корхоналарга ёрдамини ташкил этиш таклиф қилинди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети партия, совет, қишлоқ хўжалик, комсомол ва касаба союз ташкилотлари, колхоз ва совхозлар 1971 йилда дон, техника экинлари ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ҳосил олиб, ўрим-йиғим ишларида нобудгарчиликка йўл қўймаслик, зарур миқдордаги хашакни тайёрлаш, дон ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини давлатга сотиш планларини тўла ва ошириб бажариш учун ҳамма чораларни кўрадилар, деб ишонч билдирдилар.

КАНАДА БОШ МИНИСТРИ П. Э. ТРЮДОНИНГ СССРДА БЎЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Совет ҳукуматининг таклифига биноан, Канада бош министри Пьер Эллиот Трюдо рафиқаси билан бирга 17 майдан 28 майгача расмий визит билан Совет Иттифоқида бўлди.

П. Э. Трюдо ва ҳамроҳлари Совет Иттифоқида бўлган вақтида Москвада расмий музокаралар олиб боришди ва Киев, Тошкент, Самарқанд, Норильск, Мурманск ва Ленинградни бориб кўришди.

Қўшма ахборотда таъкидлаб ўтилганидек, Канададан келган ҳурматли меҳмон ва унинг ҳамроҳлари ҳамма жойда шодиёна кутиб олинди. Бу эса совет халқининг Канада халқига нисбатан дўстона туйғуларини исбот этувчи далилдир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев П. Э. Трюдо билан суҳбатлашди. СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ҳам П. Э. Трюдо билан суҳбат қилди. СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин билан Канада бош министри П. Э. Трюдо ўртасида музокаралар олиб борилди.

Суҳбатлар очиқ, самимий вазиятда ўтди ва Совет—Канада муносабатларининг ҳозирги аҳволи ҳамда истиқболларига доир масалалар юзасидан, шунингдек, ҳар икки томонни қизиқтираётган асосий халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олиш учун имконият туғилди. Совет томони КПСС XXIV съезднинг ташқи сиёсат масалаларига таллуқли қарорлари тўғрисида ахборот берди. Канада томони ўз ташқи сиёсатининг асосий мақсадларини баён қилиб берди. Улар барча мамлакатлар, социал системалари қандай бўлишидан қатъий назар, ўзаро манфаатдорлик ва ишончга асосланган муносабатларни ривожлантиришга интилишлари керак ва ҳар қандай проблемаларни музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этишлари керак, деган фикрни изҳор қилдилар.

Қўшма ахборотда яна бундай дейилади: томонлар Совет—Канада муносабатларини яхшилаш йўлидаги умумий тенденциядан мамнун эканликларини айтишди. СССР Министрлар Советининг Раиси ва Канада бош министри имзолаган протокол ҳар икки томонни қизиқтирадиган муҳим халқаро проблемалар юзасидан ва икки томонлама муносабатларга доир масалалар юзасидан вақтиваҳти билан учрашиб, маслаҳатлашиб олишни кенгайтириши ва кучайтириши керак.

Томонлар ҳар қандай даражадаги алоқалар муҳим эканлигини таъкидладилар ва давлат арбоблари ҳамда сиёсий арбобларнинг, савдо ташкилотлари, фан ва техника, маданият, жамоат ташкилотлари ваниларнинг, туристларнинг бир-бирларига визит билан боришини кучайтиришни истаганликларини изҳор қилдилар.

Томонлар ҳар иккала мамлакат ўртасидаги иқтисодий ва фан-техника соҳасидаги ҳамкорликнинг аҳволини ва истиқболларини қараб чиқдилар. Ҳар икки ҳукумат ўзаро фойдали асосда ҳар икки томон ўртасида савдо-сотиқ ҳажмини кенгайтириш ва савдо номенклатурасини кўпайтириш учун қулай имкониятлар мавжуддир, деган фикрни изҳор қилди.

Совет томони иқтисодий тараққиёт соҳаларини, техника ва саноат соҳасидаги ҳамкорликни ўз ичига олган шартнома тузиш масаласини қараб чиқишни таклиф этди. Канада томони бу таклифни ўрганиб чиқишга рози эканлигини айтди.

Томонлар жуда совуқ иқлими ва музлик шароитлари билан фарқ қиладиган Арктика районлари Совет Иттифоқи учун ҳам, Канада учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олиб, шимолий территорияларни ўзлаштириш соҳасида ҳар иккала мамлакатнинг ҳамкорлигини ривожлантириш имкониятларини муҳокама қилдилар ва СССР билан Канада ўртасида бу соҳадаги тажрибани айир бошлашни кенгайтириш тўғрисида келишиб олдилар. Томонлар Арктика районларида кемалар қатновининг хавф-хатарсиз бўлиши ва табиий мувозанатнинг сақланиши учун ўз зиммаларига алоҳида масъулият юкланган ва бу борада тегишли ҳуқуқларга эгадирлар, деган фикрни изҳор қилдилар.

Ахборотда таъкидлаб ўтилганидек, Совет Иттифоқи ва Канада ҳукуматлари энг муҳим халқаро проблемалар юзасидан фикрлашиб олиш вақтида умумий тинчликнинг мустаҳкамлаш ва халқаро кескинликни юмшатишга қаратилган тадбирларни давом эттиришга интилаётганликларини тасдиқладилар. Улар барча низоли масалалар бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставининг максад ва принципларига мувофиқ тинч йўл билан ҳал этилиши лозим эканлигига қатъий ишонганликларини айтишди. Фикрлашиб олиш СССР ва Канаданинг бир қанча халқаро проблемалар юзасидан қарашлари бир-бирига ўхшашлигини кўрсатди.

Ҳар икки мамлакатнинг ҳукуматлари Европада хавфсизлик ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга катта аҳамият берадилар. Давлатларнинг, шунингдек, Канада ва АҚШнинг иштироки билан пухта тайёргарлик кўрилган кенгашнинг чақирилиши Европада кескинликнинг юмшатилиши ва оқарқарорлик бўлишига ёрдам берган бўлур эди, деб ҳисоблайдилар.

Ҳар иккала томон қуролли кучларнинг бир-бирига қарама-қарши туриши аниқса хатарли бўлган районларда, аввало. Марказий Европада қуролли кучлар ва қуроллар ва ярогларнинг қисқартирилишини қўллаб-қувватлайди. Улар КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг КПСС XXIV съездида ва Тбилисида қуролсизланишнинг турли чоралари хусусида илгари сурган таклифларини, шунингдек, Канаданинг ядро қуролини ер остида синаб кўришга таллуқли бўлиб, қуролсизланиш комитетига тақдим этилган таклифини муҳокама қилдилар. Канада бош министри қуролли кучларни ўзаро келишилган тегишли миқдорларда қисқартириш зарур эканлиги тўғрисидаги мулоҳазаларини ҳам баён қилди. Бош министр Трюдо Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг биологик қуролни тақиқлаш тўғрисида конвенция тузиш бораси да яқинда кўрсатган ташаббусини табриклади. Томонлар конвенция шу йил ичида тузилиши мумкин деб умид қилганликларини айтишди. Томонлар ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида ва денгиз ҳамда океанлар тубида ва бағрида ядро қуролини, ялпи қирғин қуролининг бошқа турларини жойлаштиришни тақиқлаш ҳақида Шартномалар тузилганлигидан мамнун эканликларини изҳор қиладилар.

Томонлар Яқин Шарқда кескин аҳвол вужудга келганлигидан жиддий ташвишланаётганликларини айтишди. Улар бу районда можарони ҳаққоний ва мустаҳкам равишда тинч бартараф қилишга эришиш мақсадида манфаатдор барча давлатларнинг куч-ғайратини сарфлаш зарур эканлигини таъкидладилар.

Ҳинди-Ҳитойда ташвиш туғдираётган воқеаларнинг ривожи тўғрисидаги масала юзасидан фикрлашиб олинди. Ҳар иккала томон Ҳинди-Ҳитойда мустаҳкам тинчлик яна тикланади, деб умид қилганлигини айтди.

Ҳар иккала томон фикрлашиб олишдан мамнун бўлганлигини изҳор қилди ва ҳар икки мамлакат раҳбар арбобларининг мунтазам суратда шахсан алоқа боғлашлари фойдали эканлигини уқтириб ўтди.

Ҳурмат тахтаси

Тошкент области (область партия комитетининг секретари **М. Мусахонов**, область ижроия комитетининг раиси **С. Асомов**, область комсомол комитетининг секретари **О. Исҳоқов**, область пиллачилик бошқармасининг бошлиғи **О. Маттиев** ўртоқлар).

Бухоро области (область партия комитетининг секретари **Қ. Муртазоев**, область ижроия комитетининг раиси **Ш. Хайруллаев**, область комсомол комитетининг секретари **И. Бўриев**, область ипакчилик бошқармасининг бошлиғи **Д. Раҳимов** ўртоқлар).

Давлатга пилла сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар республика «Ҳурмат тахтаси»га ёзиладилар

ПИЛЛАМИЗ — ТИЛЛАМИЗ

Республика областларида пилла тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1971 йил 29 майга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи стун — мавсум бошида буён тайёрланган пилла (тонна ҳисобида); иккинчи стун — планнинг бажарилиш процента; учинчи стунбир кунда тайёрланган пилла (процент ҳисобида).

Бухоро	2240,8	97,3	15,6
Тошкент	1330,3	97,0	8,1
Сурхондарё	674,6	96,4	2,0
Қашқадарё	945,1	82,2	7,8
Сирдарё	314,3	68,4	9,1
Фарғона	2955,6	65,7	13,3
Наманган	1195,9	59,7	16,6
Андижон	1118,9	38,7	14,3
Самарқанд	515,5	23,4	10,0
Хоразм	30,1	2,4	2,4
ҚҚ АССР	—	—	—
Республика бўйича:	11321,2	58,0	11,3

ГИЖДУВОНЛИКЛАР ЗАФАРИ

КПСС XXIV съезди қарорларини турмушга татбиқ қилиш учун курашаётган Ғиждувон районининг пилланорлари давлатга кумуш тола сотиш планини муддатидан илгари бажардилар. Давлат омборларига 385 тонна юқори сифатли пилла ҳосили етказиб берилди.

Район пиллакорларининг бундай ютуғига «Пахтаобод», Энгельс номли, «Гулистон», «Коммунизм», Карл Маркс номли, Садриддин Айний номли, Ленин номли, Калинин номли, «Ленинизм» ва «Зарафшон» колхозларининг пиллачилари катта улуш қўшдилар.

Район пиллачилари ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб давлатга қўшимча равишда яна 16 тонна пилла етказиб бериш мажбуриятини олдилар.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

28 майда Тошкент область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленум область халқ хўжалигида ёш мутахассислардан фойдаланишнинг аҳволи ва уни яхшилаш чоралари тўғрисидаги масалани муҳокама этди. Область партия комитетининг секретари Б. А. Абдураззоқов шу масала хусусида доклад қилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. (ЎзТАГ).

СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИГА САЙЛОВ

25-28 майда Москвадаги олимлар уйида СССР Фанлар академиясининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. Академиянинг раҳбар органлари сайланди.

СССР Фанлар академиясининг президенти қилиб яна академик Мстислав Всеволодович Келдиш сайланди.

Академиянинг вице-президентлари қилиб академиклардан М. Д. Милионщиков, В. А. Котельников, А. Н. Белозерский, А. П. Виноградов, П. Н. Федосеев, М. А. Лаврентьев сайландилар.

СССР Фанлар академияси президиуми бош илмий секретари вазифасини ижро этувчи қилиб СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Г. К. Скрябин сайланди.

СССР Фанлар академияси президиумига СССР Фанлар академияси бўлимларининг академик секретарлари академиклар Н. Н. Боголюбов, Л. А. Арцимович, М. А. Марков, М. А. Стиркович, Б. Н. Петров, А. Н. Несмеянов, Н. М. Жаворонков, А. А. Баев, Е. М. Крепс, Я. В. Пейве, В. И. Смирнов Л. М. Бреховских, В. М. Хвостов, Ф. В. Константинов, Н. П. Федоренко, М. Б. Храпченко, СССР Фанлар академияси Урал илмий маркази президиумининг раиси академик С. В. Вонсовский, СССР Фанлар академияси Сибирь бўлими раисининг биринчи ўринбосари академик А. А. Трофимук, СССР Фанлар академияси Узоқ Шарқ илмий маркази президиумининг раиси СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси А. П. Капица киритилдилар. Академиклардан А. П. Александров, В. А. Амбарцумян, Н. Г. Басов, П. Л. Капица, Н. В. Мельников, Н. И. Мусхелишвили, Б. Е. Патон, И. Г. Петровский, Н. А. Пилюгин, П. Н. Поспелов, А. М. Прохоров, А. М. Румянцев, Н. Н. Семенов, В. М. Тучкевич ҳам президиум аъзолари қилиб сайландилар.

СССР Фанлар академиясининг 28 майда бўлиб ўтган умумий йиғилишида, ижтимоий фанларнинг айрим проблемалари юзасидан докладлар тингланди. (ТАСС).